



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 26 июнь, шанба • №52 (11.647) • Эркин нархда сотилади

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Авваломбор, ўз ҳаётини матбуот ва ахборот соҳасига бағишлаган сиз, заҳматкаш журналистларни, муҳтарам фахрийларимизни, юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа ходимларини бугунги байрамнинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси ташкилот, ҳар қайси меҳнат жамоаси ўз фаолияти билан боғлиқ муайян саналарни нишонлар экан, албатта, шу ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижа ва ютуқларини сарҳисоб қилади. Шу билан бирга, ўз ишига танқидий баҳо бериб, олдида қўйган марраларга етишда нималарга эришгани ва нималарга эриша олмаганини, бунга нималар ҳалақит бераётганини таҳлил этиб, тегишли сабоқ ва хулосалар чиқаради.

Шу маънода, бугун ўз байрамини нишонлаётган журналистлар, авваломбор, жуда шарафли, айти пайтда ўта оғир ва машаққатли бу касбнинг ҳақиқий усталари, чинакам фидойилари, бу соҳанинг қувонч ва изтиробларини юрагидан, қалбидан ўтказадиган бутун матбуот ва ахборот аҳли ҳам шундай саволларга жавоб излаши табиий, деб ўйлайман.

Албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятига баҳо беришда ҳокимият ва мансаб курсисидида ўтирганлар эмас, аввало, шу касбнинг заҳмати-ни чекадиган инсонлар, уларнинг меҳнатидан, маҳоратидан баҳраманд бўладиган муштарийлар ва кенг ўқувчилар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув бўлади.

Барчамизга маълумки, ин-формацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобалла-шув шароитида матбуот, ай-ниқса, журналистлар зиммаси-да бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифа-

лар турибди. Лекин, менинг назаримда, уларнинг орасида энг муҳим бир йўналиш бор-ки, у ҳам бўлса, халқимиз ман-фаатларини ҳимоялашдан иборат.

Содда қилиб айтганда, олис қишлоқ ёки туманда, шаҳар ёки вилоятда бўладими, биз-нинг бугунги ҳаётимизни, дав-латимиз ва жамиятимиз юки-ни ўз елкасида кўтариб кела-ётган инсонларнинг манфаа-тини ҳимоялаш матбуот аҳли-нинг нафақат вазифаси, бал-ки муқаддас бурчидир.

Табиийки, ҳимоялаш деган-да, биз барчамиз жуда кенг маънони кўзда тутамиз. Биринчи гада, бу сўз орқали миллатни миллат, халқни халқ қиладиган азалий урф-одат ва миллий-диний қадриятлари-мизни асраб-авайлашни ан-глаймиз.

Ҳимоялаш деганда, бизнинг миллий ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўли-даги ғов ва муаммоларга халқ-нинг кўзини кенг очиб бериш, уларни йўлдан олиб ташлаш учун ўз маҳорати ва истеъдо-дини бағишлашни тушунамиз.

Юртимизга қарши қаратил-ган инфорацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзи-миздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳам-мадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзи-мизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уриниш-ларини фож этиш ҳам халқи-миз манфаатларини ҳимоя қилишининг яна бир амалий намоёнидир.

Матбуот аҳлининг меҳнати-ни, уларга худонинг ўзи бер-ган истеъдодни юксак баҳо-лаб, мен журналистларга тақ-дир-қисмати доимо халқ би-лан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилув-чи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвиш-лари, умид ва интилишлари-ни чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдори-ман.

Шу боис, мамлакатимизда муҳим сиёсий, иқтисодий-иж-тимоий қарорлар қабул қилишда халқ қалбининг кўзгуси бўлмиш матбуот фик-рини инobatга олиш алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблай-ман.

Айни вақтда, биз оммавий ахборот воситаларининг мод-дий-техник базасини, молия-вий таъминотини мустақам-лашга журналистларнинг мус-тақил фаолият ва фикр юри-тишининг асосий кафолати тариқасида қарашимиз ва бу масалага катта эътибор бери-шимиз керак.

Азиз дўстлар!

Жамият ҳаётида муносиб ўрин ва обрў-эътибор қозо-ниш учун бугунги шиддаткор замонда журналист аҳли, ом-мавий ахборот воситалари хо-димлари ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш йўлида олиб бораётган умум-халқ ҳаракатимизнинг энг ол-динги сафларида бўлиши ал-батта шарт, десак, ўйлайман-ки, ҳаммангиз шу фикрга қўшиласиз.

Сизларни қутлуг байрамин-гиз билан яна бир бор таб-риқлар эканман, ҳаётда мана шундай юксак марраларни эгаллашда барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Амалиёт мактаби

Миллий университетнинг жур-налистика факультети ўқув жа-раёнида яхши бир анъана бор. Ҳар йили баҳорда махсус курс-дан таҳсил олаётган талабалар бир кунги машғулотларини ви-лоятимизнинг сўлим гўшалари-дан бири бўлмиш Қибрайда, аниқроғи, туман газетаси таҳ-ририятида ўтаб қайтадилар.

(Давоми 3-бетда).

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июнь куни Оқсаройда Украина Бош вазири Вик-тор Януковични қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Украинада рўй бе-раётган ижобий ўзгаришлар-ни мамнуният билан кузатиб бораётганини, икки томонла-ма муносабатлар амалий ҳам-корлик салоҳиятини юқорили-ги билан ажралиб туришини таъкидлади.

Ислом Каримов бунга бежиз айтгани йўқ. Ўзбекистон ва Украина бир-бирини ишончли ҳамкор деб билади. Икки мам-лакат давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, ташки сиёсат ма-ҳамалари ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Ташкилот-лар ва минтақалараро бево-сита ҳамкорлик ҳам жадал ри-вожланмоқда.

Ўзбекистон ва Украина сиё-сий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва мада-ний соҳадаги алоқаларни ҳам ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Бунда Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма та-шаббуси билан таъсис этилган Кўп томонлама ҳамкорлик бўйи-ча Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг фаолияти му-ҳим ўрин тутаяпти. Украина Бош вазири мазкур комиссиянинг навбатдаги мажлисида қатна-

шиш учун Тошкентга келган.

Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ўсиб борапти. 2003 йили бу борадаги кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 2,3 мар-та ошиб, 244 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1996-2003 йиллар давомида Укра-нининг Ильичёвск бандаргоҳи орқали 325 минг тонна Ўзе-бекистон пахта толаси ўтказил-ди. Айни пайтда автомобиль йўлларини куриш бўйича икки томонлама консорциум тузиш масаласи ўрганилмоқда. Бу Трансафгон йўлагини барпо этишда ҳамкорлик қилиш учун кенг йўл очади.

Ўзаро муносабатларда тер-рорчиликка, жиноятчилик ва наркобизнесга қарши кураш масалалари ҳам алоҳида ўрин тутаяпти.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Украина муноса-батларини, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА.

Қўшма комиссия мажлиси

25 июнь куни Тошкентда Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Уни комиссия ҳамраис-лари – Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Украина Бош вазири Виктор Янукович бошқарди.

Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўсто-на алоқалар вақт синови-дан ўтган ва яхши анъана-га айланган. Истиқлол йил-ларида икки давлат раҳ-барларининг ҳамфикрлиги ва сиёсий қатъияти туфай-ли мамлакатларимиз ўрта-сида барча соҳада ҳамкор-ликни ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Бирок, савдо-иқтисодий ҳамкорлик яхши самара бе-раётганига қарамай, тан олиш жоизки, ҳамкорлиги-миз қамрови ҳозирча сало-ҳият ва имкониятлар дара-жасида эмас. Қўшма ко-миссия мажлисида бу ма-салага алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон билан Укра-ина ўзаро муносабатларни муттасил ривожлантириб келмоқда. Украина МДХ

мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бири-га айланган. Мамлакатла-римиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар-нинг ҳуқуқий асосини қирққа яқин ҳужжат, жум-ладан, «Эркин савдо тўғри-сида», «Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва қўллаб-қув-ватлаш тўғрисида», «Ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида» каби битимлар ташкил қилади.

Икки томонлама ҳамкор-ликнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чи-қиш мақсадида Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқти-содий ҳамкорликнинг асо-сий йўналишлари тўғриси-да битим имзоланган. Икки томонлама муносабатлар мунтазам фаолият кўрсатиб келаётган Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбеки-стон-Украина қўшма комис-сияси томонидан мувофиқ-лаштириб келинмоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоблар

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: газета муҳаррири Абдуҳамид Фозилов (чапдан иккинчи) ижодий ходимлар даврасида.

Қўшма комиссия мажлиси

механизми яратилди – ваколатли банклар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар борасида алоқа ўрнатилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги эркин савдо тартиби жорий этилган. Маълумотларга кўра, 2003 йили Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо кўрсаткичи аввалги йилдагига нисбатан 2,3 баробар ўсиб, 244 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Мамлакатимизда Украина ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган 40 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Шунингдек, Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 22 қўшма корхона ишлаб турибди.

Мажлисида ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва уни тараққий эттиришнинг ус-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тувор йўналишларига оид масалалар муҳокама қилинди. 2003 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлис ҳужжатларининг амалиётга жорий этилиши кўриб чиқилди. Илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, банклараро ҳамкорлик, транспорт, ҳарбий-техникавий алоқалар таҳлил этилди. Жиноятчилик, террорчилик ва наркобизнес каби иллатларга қарши курашда ва Афғонистонни тиклашда ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мажлис якунида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо бўйича 1994 йил декабрда имзоланган битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол, давлат мулки кўмиталари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик, маъмурий-худудий тузилмалар, жумладан, Наво-

ий ва Запорожье, Самарканд ва Львов, Қашқадарё ва Сум вилоятлари ўртасида узоқ муддатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шу кунги Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Насриддин Нажимов ва Украина тадбиркорлар кенгаши раиси Дмитрий Швец ҳамраислигида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-анжумани ҳам бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналар, фирма ва компаниялар ҳамда муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда мамлакатларимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақида гап борди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўз бизнес режалари ҳақида сўзлади. Тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Микрокредитлаш самараси

Европа тикланиш ва тараққиёт банки «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки билан ҳамкорликда кичик ва хусусий бизнес субъектларини микрокредитлаш бўйича жорий этган янги дастур яхши самара бермоқда.

– Миллий ва хорижий валюталарда бир ойдан олти ойгача муддатга берилаётган ушбу кредитлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланган тадбиркорларга дастлабки айланма маблағни шакллантиришида ҳамда тегишли асбоб-ускуналар сотиб олишида кўл келмоқда, – деди мазкур банк бошқаруви раиси Рустамбек Раҳимбеков ЎЗА мухбирига. – Ҳозирга қадар банкимиз томонидан олти юзга яқин шундай лойиҳа учун салкам икки миллиард сўмлик микрокредит ажратилди.

Ушбу кредитни олиш истиада бўлган ҳар бир бизнес вакилининг тўлов қобилияти тест синови асосида аниқлангандан сўнг ҳужжатлар тезда расмийлаштирилади.

ЎЗА.



Оққўрғон туманида фуқаролар мудофааси бўйича синов ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Унда республика Фавкулдда вазиятлар вазирлиги, Шошилиш тиббий ёрдам марказининг махсус гуруҳлари иштирок этди. Машғулот пайтида зилзила ёки бошқа табиий офатлар юз берган пайтда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чоратадбирлари синовдан ўтказилди.

СУРАТДА: ўқув машғулотидан лавҳа.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Мақсад – ёш олимларни қўллаб-қувватлаш

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази «Банклар ва молия бозорлари» мавзuida танлов эълон қилди.

Танлов ёш олимларнинг ислохотларнинг долзарб йўналишларини ўрганиш, банк фаолияти ва Ўзбекистон молия бозорлари соҳа-

сида муҳим амалий вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ иқтисодий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда. Ишти-

рокчилар танловга иқтисодий таҳлилнинг математик услубларини қўллаган ҳолда бошқа мавзулар бўйича ишланмаларини ҳам тақдим этиши мумкин. Ҳолиблар уларнинг ишлари тақдими бўлиб ўтадиган илмий семинарга таклиф этилади.

Танлов совриндорлари, яъни тадқиқотчилар ёки икки кишидан иборат гуруҳ 100 ва 300 минг сўм миқдорида грантларга эга бўлади.

ЎЗА.

27 июнь – Матбуот

Ўзбекистон Журналистлари иждодий уюшмаси

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» (2003 йил) танлови ғолибларини эълон қилади:

Пардагул ХЎЖАМУРОВА, «Еркин Қорақалпоғистон» – «Вести Каракалпакистана» газеталари мухбири – Ижтимоий-сиёсий мавзудаги «Орол қизлари» туркум мақолалари учун

Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон» телеканали «Маънавият» студияси катта муҳаррири – Маънавий-маърифий мавзудаги «Яхшилик» туркум кўрсатувлари учун

Шоҳахбор САЛИМОВ, «Тошкент халқаро радиоси» мухбири – Халқаро мавзудаги «Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига қўшган ҳиссаси» туркум эшиттиришлари учун

Асрор МЎМИНОВ, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти мутахассиси, спорт шарҳловчиси – Спорт мавзусидаги китоблари, очерклари ва мақолалари учун

Николай БАРАШКИН, «Правда Востока» газетасининг Жиззах вилояти мухбири – Долзарб мавзудаги муаммо-ли-таҳлилий мақолалари учун

Муталиб КАРИМОВ, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси шарҳловчиси – Туман газетасида «Журналист суриштируви» рукни остидаги чиқишлари учун

Қуйидаги журналистлар ижоди танловнинг рағбатлантирувчи мукофотида сазовор бўлди:

Жўра БОБОРАҲМАТ (Ўзбекистон телевидениеси), Жаҳонгир ИСМОИЛОВ («Бухоронома» газетаси), Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ (Ўзбекистон радиоси), Гулнора УЗОҚОВА (Шаҳрисабз шаҳар телевидениеси), Иззат ҲИКМАТ («Ишонч» газетаси), Пўлат ҲАМДАМ (наманганлик фахрий журналисти), Аброр ИМОМХЎЖАЕВ («НАВРЎЗ» радиостанцияси).

Ғолиб ва совриндорларни чин қалбдан муборакбод этамиз!

ОАВ ва экология

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида бўлиб ўтган учрашувда барқарор ривожланишга эришишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти муҳокама этилди. Унда вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар қатнашди.



Учрашувда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини ҳал қилишда фаол иштирок этаётгани ҳақида гапирилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Экология ва саломатлик кунлари доирасида экология, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг долзарб масалаларига бағишланган туркум телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, мақолалар тайёрланди. Журналистлар табиий объектларнинг ифлосланиши, ер ресурсларининг емирилиши, био хилма-хилликнинг йўқолиши каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, аҳолининг эколо-

гик-ҳуқуқий маданиятини ошириш, уни маҳаллий муаммоларни ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни бошқаришнинг тартибга солувчи экологик муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга жалб қилиш борасида ҳам оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта.

Учрашувда Экология ва саломатлик кунлари тадбирларини амалга ошириш ҳамда ёритишда, шу кунларда нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ журналистлар «Экосан» жамғармаси мукофотлари билан тақдирланди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Қибрай туманидаги «Нуроний» оромгоҳида «Матбуот — ҳаёт кўзгуси» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ҳаёт кўзгуси

Ўзига хос тантана тусини олган маросимда республикамиз ва вилоятимиз оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган соҳа вакиллари, фахрийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Йигилганларни вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова табрик сўзи билан қутлаб, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, жамиятимиз ривожига шарафли касб эгалари бўлиш журналистларнинг бекиёс ўрни борлигини таъкидлади.

Шу оқшом сўлим гўшага йигилган ҳамкасблар бир-бирларини айём билан қутладилар, тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбат курдилар. Хушовоз хонандаю созандалар ижросидаги куй-қўшиқлар кечага тароват бағишлади.


Таҳририят ёшармоқда

Жамият тараққиёти, юртимизда кечаётган кенг кўламли ислохотларни рўёбга чиқаришда вилоятимиз шаҳар ва туманлари нашрларининг ўз ўрни бор. «Олмалиқ ҳақиқати» ва «Алмаликский рабочий» газеталари ҳам шулар жумласидандир.

13 йилдирки «Олмалиқ ҳақиқати» жамоаси шаҳарда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жараёнларни саҳифаларда изчил ёритиб келмоқда.

— Бугунги кунда жамоамизнинг ёш кадрлар билан кенгаётганлиги қувончли,

— дейди газета муҳаррири Ойсара Дадаева. — Шоҳиста Мақсудова, Шерзод Тилоббердиев, Жавлон Имонов 12 саҳифадан иборат ҳафталик нашримиз вақтида ва ўқишли чиқиб туришига ҳисса қўшаётганларидан мамнунмиз.



СУРАТДА: (чандан ўнгга) «Алмаликский рабочий» газетаси муҳаррири Мағамет Вахаев, мухбир Ольга Блинкова ва «Олмалиқ ҳақиқати» газетаси муҳаррири Ойсара Дадаева газеталарнинг навбатдаги сонини таҳлил этишмоқда.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- Бугунги кунда вилоятда 40 та матбуот нашрлари рўйхатдан ўтиб фаолият юритмоқда.
- Буларнинг 39 тасини газета ва биттасини журнал ташкил этади.
- Улардан 16 таси туман газеталари, 7 таси ойлик газеталар ва 6 таси ижтимоий газеталардир.
- Нашрлар ичида биринчи босмадан чиқарилгани

«Тошкент ҳақиқати» ва энг сўнгги ташкил этилгани эса, Ангрендаги вилоят педагогика институтининг «XXI аср абитуриенти» газетасидир.

- 2004 йилнинг май ойигача вилоятда 100 минг нусха газета босмадан чиқди.
- Айни кунда 38 та босмахона мавжуд бўлиб, уларнинг 2 таси хусусийдир.
- Бугунда 5 та телестудиянинг кўрсатувлари вилоят аҳолисига намойиш этилмоқда.

«Бекобод ойнаи жаҳони» намойиш этади

Вилоятимизда айни вақтда бешта телестудия фаолият олиб бораёпти. Улардан Бекобод шаҳридаги «Бекобод ойнаи жаҳони»нинг турли кўнгилочар, ахборот-таҳлилий, публицистик кўрсатувларидан нафақат бекободликлар, балки қўшни Тожикистон Республикаси ҳамда Сирдарё вилояти аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётди. 1992 йил 12 февралда фаолият бошлаган бу телестудияда бугун ўн уч ходим иш юритмоқда.



СУРАТДА: «Бекобод ойнаи жаҳони» телестудияси фаолиятдан лавҳа. Даврон АХМАД олган суратлар.

Телестудия раҳбари Муҳаммад Сангиновнинг айтишича, кунига уч соат давом этадиган эфирда «Шаҳар ҳафта ичида», «Кичкинтой», «Жонли мулоқот», «Муносабат», «Нигоҳ» каби кўрсатувлар томошабинларга намойиш этилади. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида олиб бориладиган «Ҳуқуқ ва ички ишлар» кўрсатuvi барчага манзур бўлмоқда. У маҳаллий аҳолининг шикоятлари асосида тайёрланади.

2003 йилда Ўзбекистон нодавлат телевидениелари ўртасида бўлиб ўтган танловда телестудиянинг тасвирчилари Нарзулла Эрқўзиёв ва Рустам Қаршиев «Энг яхши тасвирчи» номинациясининг ғолиби бўлишди. Шунингдек, ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан «Бекобод ойнаи жаҳони»нинг ижодий жамоаси «Энг яхши жамоа» номига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда Дилбар Каримова, Баҳодир Раҳмонкулов, Раҳима Жумабоева, Турдикул Норматов, Саодат Раҳмонова каби телебошловчилар самарали меҳнат қилмоқдалар. Биз уларни касб байрамлари билан чин қалбдан табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Қамолитдин АСҚАРОВ.

Ҳаммаси маънавиятдан бошланади

Отанинг оилада тутган ўрни нималардан иборат? У таъминотчимми ёки тарбиячи? Балки ота ҳар иккиси учун ҳам масъулдир?

Газетамизда эълон қилинган «Ота — оила таянчи» мақоласи юзасидан турли фикрлар ушбу мавзу доирасини кенгайтди. Шунингдек, мақола мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун «Отам, онам ва мен» мавзусидаги иншога ҳам сабаб бўлди.

Бир қарашда қаламга олишга ҳам арзimasдек туюлган ушбу мисол аслида ёшлар тарбиясида ота-онанинг бекиёс ўрнини таъкидлаётганини ҳушёр ўқувчилар сезиб олишлари қийин эмас. Қолаверса, газетанинг асосий вазифаси ҳам ана шундай маънавий тарбиядир.

Албатта, ҳозир қуруқ насихат, ваъзхонлик билан ўқувчининг эътиборини тортиш, таъсирчанликка эришиш, қолаверса, обрў қозониб ҳам бўлмайди. Бунинг учун нафақат нашрнинг полиграфик беази, шу билан бирга мақола-ларнинг сарлавҳалари ҳам эътиборни торта олиши керак. Қониқиш билан айтиш мумкин, биз аксарият ҳолларда маълум даражада шунга эришяпмиз.

Баъзан зерикарли туюлган, бироқ долзарб мавзуларни қизиқарли, таъсирчан ёритиш маҳорат талаб этадиган иш эканлигини ҳамкасбларимиз яхши билишади, албатта. Қолаверса, истиқлол шарофати билан яратилган сўз эркинлиги сабаб бир масалага турлича қарашларни бемалол газета саҳифаларига олиб чиқиш бизга берилган катта имко-

ниятлардир. Олайлик, ниқохдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтиш шартлигини кичик ҳажмдаги туман газетасида қандай изчил ва таъсирчан ёритиш мумкин? Масалан, газетамиздаги «Саробга айланган орзулар» туркум материалларда ҳаётини воқеалар асосида унга амалий жавоб топишга ҳаракат қилинди. Журналист Жамила Арслонваннинг «Гиёҳванддан куйдим», «Дарди ичиде экан», «Гуноҳ» мақолаларини ўқиган газетхонларимиз фарзандларининг келажиги, ҳаёти ҳақида бир қадар ўйлаган бўлса ажаб эмас.

Шунингдек, газетамиздаги «Ҳаёт, оила, одоб», «Синфдош» саҳифалари, «Ҳаёт сабоқлари», «Турмуш чорраҳаларида» руқни остидаги материаллар гапнинг очиги, нафақат газетхонларимизга, ўзимизга ҳам ёқади. Бундай лавҳалар босилган газетамиз сонларини қайта-қайта қўлга оламиз. Яна бир бор ўқиғимиз келаверади. Зеро, яхши мақола яхши фарзанддек гап. Мевасидан кўпчилик баҳра олади.

Табиийки, газета ўз мақомига мос фаолият юритиши керак. Лекин барибир маънавий тарбияни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Зеро, ҳаммаси аввало маънавиятдан бошланади.

Абдусаттор ХАТАМОВ,
Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси муҳаррири.

Амалиёт мактаби

Бунинг бир жиҳати табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш бўлса, асосий томони етмиш йиллик тарих ва таърибага эга бўлган «Қибрай садоси»да қаламни чархлаш, унинг мактабида ўқиш ва шу тариқа устоз журналистлар аъёнларини давом эттиришдир...

Жуда кўп ҳамкасбларимиз қатори шахсан мени ҳам курсдошлар билан бу табаррук таҳририятга қилган сафаримиз кечагидек эсимда. Юзга яқин талаба астойдил «ҳаражат» қилиб Қибрай сафарига отландик. Дўрмондаги Ёзувчилар боғи бир қадам эмасми, устоз ижодкорлар билан бўлган учрашувлар, таҳририятдаги амалиёт жараёнлари, босмахонадаги беҳаловат юмушлар, туман маркази стадионидаги футбол ўйини ва албатта, у ерда ёзилган талаба-боп дастурхон ҳар биримизнинг тасаввуримизда бир умр ёшлиқнинг беғубор хотираси бўлиб сақланиб қолиши шубҳасиз.

Шу-шу «Қибрай садоси» биз учун жуда қадрдон бўлиб қолди ва бу ерга истаган пайтда келиб, таҳририят ишларига шўнғиб кетаверар эдик. Ёшли-

гимизнинг энг соф ва норасмий битиклари илк бора айнан шу газета саҳифасида дунё юзини кўрган бўлса ажабмас. Бу ерда бизни оҳанрабодек тортадиган нарсаси таҳририятдаги ҳар қандай ҳаваскор талабани ҳам ўзига жалб қиладиган илқ муҳит, самимий муносабат эди. Айниқса, муҳаррир, таъниқли журналист Абдуҳамид Фозилов ва газета юқини тенг кўтарадиган истеъдодли ижодкорлар Шоюсуф Мирюсуфзода, Саидали Мирзалиев, Иброҳим Саидовларнинг ғамхўрлиги, беғараз кўмаклари, бетаъма маслаҳатлари, бизни шу касбга меҳр қўйишимизга туртки бўлган десам ҳаққи рост айтган бўламан.

Насиб қилса, қачонлардир «Қибрай садоси» ва унинг жонқуяр жамоаси ҳақида бирор нарсаси ёзаман, деб ўзимча диллаб юрардим. Бу ҳақда даргоҳнинг тузини ичган, қозонида бир кун бўлса ҳам қайнаган жуда кўп тенгдошларимиз, ҳамкасбларимиз ўйлашгандир, эҳтимол.

Хуллас, яқиндагина «Қибрай садоси» билан боғлиқ бир қанча хушхабарлар эшитдик. Фахрландик. Энди ёзмаликнинг илоҳи йўқ эди.

Гап шундаки, қадрдон таҳририятимиз Ўзбекистон Журналистлар ижодий

уюшмаси томонидан ўтказиб келинадиган «Наврўз — боқий байрам» аънавий республика танловининг ғолиби бўлди. Бу туман газетаси ва унинг камтарин жамоаси учун жуда катта эътироф, муносиб баҳо. Кўп ўтмай, газета бўлим мудири, журналист Гулнора Аҳмедова «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Бахт-икбол... ҳуқуқига эгаман» шиори остида ўтган ижодий танловда матбуотда эълон қилинган туркум мақолалари учун совринли учинчи ўринни қўлга киритди.

«Қибрай садоси» бугун том маънода ҳаёт билан ҳамнафас. Қибрай тарихи ва тараққиёт йўлини унингсиз тасаввур этиб бўлмайди. Туман миқёсидаги газетанинг 6000 дан ошиқ обуначиси бор. Бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, бу туманда матбуотга, қалам аҳлига берилётган эътибор, шу билан бирга аҳолининг маънавий ва маърифат билан ошно эканлигидан далолатдир.

Бугун таҳририят ҳақиқий байрам оғушида. Зеро, меҳнати ва фидойилигидан роҳат кўраётганлар ҳар қанча байрам қилсалар ярашади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Dushanba

28

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45-17.55 ТВ-маркет
8.50 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.40 «Бизнес ҳафта»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ-анонс.

12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
12.30 «Нурли манзиллар»
12.45 Эстрада тароналари.
13.00 «Дастурхон атрофида»
13.10 «Ўғрини ушла». Телесериал.
14.10 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
14.45 Кундузги сеанс: «Болоҳон қиз». Бадий фильм.
16.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
16.55 ТВ-клип.
17.05 «Иқтидор».

18.10 «Яхшилар ёди»
18.30 Мумтоз наволар.
18.45 «КиноТеатр»
19.05 «Мулкдор»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил – Меҳр ва муруват йили.
«Химмат»
21.25 Бир жуфт кўшиқ.
21.35 «Тарих кўзгуси»
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Койилма-қом фириб». Бадий фильм. 1-қисм.
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Давр» ҳафта

ичида
17.40 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърят, Гулгунчалар
18.05 Кўёшли юрт одамлари
18.25 Кишлоқдаги тенгдошим
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» – репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Ишга марҳамат!
19.55 «Мехр кўзда» Мактубларга шарҳ
20.15 Ёшлар овози
20.35, 21.25, 22.35 Ёшлар
20.40 «Ёлгон асираси» Телесериал
21.30 Бир ўлкаки
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Мусиқий лаҳзалар
22.55 «Скарлетт». Бадий фильм. 1-қисм

23.45 Футбол бўйича Европа чемпионати. Чорак финал
01.45 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Муруват»
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
21.55 ТТВда сериал: «Рей Бредбери»

театри»
22.20 Кинонигоҳ.
«Эмма»
00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан 28 июнь кунини «SPORT» телеканали ўз кўрсатувларини 16.55 дан бошлайди.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 «Хазил кетидан хазил»
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Мени кутгил»
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт маликалари»
21.00 «Хабарлар».

21.15 Мини футбол. Федерация кубоги.
22.50 «Арена»
22.35 «Футбол бўйича Европа чемпионати кундалиги»
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Ойроқчи про-грамми 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Настоящее преступление», триллер 19.20 «Против течения», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Колдовство», мистика 24.00 Программа передач

Seshanba

29

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.50 «Табият шифохонаси»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Мулкдор»
10.25 «Одам – амфибия». Бадий фильм.
11.55, 12.45 ТВ-анонс.
12.05 2004 йил – Меҳр ва муруват йили. «Химмат»
12.25 «Соз сеҳри»
12.50 «Рангин дунё»
13.10 «Ўғрини ушла». Телесериал.
14.10 «Муносабат»
14.40 «Бу турфа олам»

15.30 ТВ-клип.
15.40 «Кишлоқ ҳаёти»
16.00 1. «Кўшигим – жон кўшигим». 2. «Кувнок стартлар»
17.00 «Ватангиз хизмат қиламан»
18.10 «Мақтанчоқ филча»
18.20 «Саховат»
18.35 Мусиқий танаффус.
18.45 «Остонаси тиллодан»
19.05 «Тафсилот»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Сиёсат оламида»
22.05 «Ўзбекистон»

телеканалида илк маротаба: «Койилма-қом фириб». Бадий фильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»

11.55 Кўрсатувлар дастури
12.00 Бахтли болалик
12.15 «Ёлгон асираси». Телесериал
12.55 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърят, Гулгунчалар
14.05 Саломатлик сирлари
14.25 Ёшлар овози
14.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
15.35 Кишлоқдаги тенгдошим
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Санъат

ошиёни»
16.35 Фарзандим-жигарбандим
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
17.30 Истиқлол умидлари
17.50 Таянч
18.00 Ёшлар куйлаганда
18.20 Сув – ҳаёт манбаи
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» – интервью
19.50 Ишга марҳамат!
19.55 «Coscom» хабарлари
20.05 Мусиқий лаҳзалар
20.10 Ҳазил соғинчи. Бобур газали
20.30 ТВ-адвокат
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал
21.30 «Ўзбек манзаралари» туркумидан: Кулол
21.50 Олтин мерос

22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол-плюс
23.05 «Скарлетт»
Бадий фильм. 2-қисм
23.45-23.50 Хайрли тун
«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 20.55, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Инсон ва қонун»
21.15 «Сухбатдош»
21.50 «Туризм ҳақида»
22.20 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.45 Кинонигоҳ.
«Энаганинг ўлими»

ҳақида оймга оғиз очманг»
00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Экстрим спорт»
9.40-10.15 Мини футбол. Федерация кубоги.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Хужжатли баллада.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Қора кузгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим: Олимп сари йўл»
21.00 «Хабарлар».

21.15 «Баҳодирлар ўйини»
21.45 «Проф-РИНГ»
22.35 «Факат бир оқшом». Рикки Мартин. Фильм-концерт.
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Ойроқчи про-грамми 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Против течения», сериал 14.00 Художественный фильм, «Колдовство», мистика 15.30 «Ошикона», мусикий дастури 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Утопия», остросюжетный фильм 19.20 «Против течения», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Чёрный орёл», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Chorshanba

30

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Тафсилот»
10.25 «Мулкдор»
11.30 «Саргузаштлар ороли»
12.05 «Остонаси тиллодан»
12.25 «Кўшигимиз Сизга аргумгон»
12.45 «Сиёсат оламида»
13.05 «Котиллик пайдан». Телесериал.
13.50 ТВ-клип.
14.10 «Истеъмолчи»
14.30 «Яхшилик»

14.55 Кундузги сеанс: «Икки соҳил». Бадий фильм.
16.05 «Ягона оилада»
16.35 «Раксинг сеҳри олами»
16.55 1. «Сеҳрли харфлар оролчаси»
2. «Кизиқарли учрашувлар»
18.10 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Водил»
18.20 «Куйла, ёшлигим»
18.40 «Буюк аждодларимиз»
19.00 «Бир жиноят изидан»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Журналист таҳлили»
21.25 Бир жуфт кўшиқ.
21.35 «Тарих кўзгуси»
21.55 «Ғурур ва эҳтирос»
Бадий фильм. 1-қисм.

22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал
10.05 «Давр» – интервью
10.20 Таянч
10.30 Мульттomoша
10.45 Футбол-плюс
11.05 Истиқлол умидлари
11.25 ТВ-анонс
11.30 «Доктор Финли». Телесериал. (яқунловчи қисм)
12.20 Ёшлар овози
12.40 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Она замин неъматлари»
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 «Тангалик болалар». Бадий фильм
14.55 Кўли гул уста
15.15 «Мехр кўзда» Мактубларга шарҳ
15.35 Кўёшли юрт одамлари
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Ноилоҳ сайёдлар» Хужжатли сериал
17.00 Мусиқий лаҳзалар
17.10 Кўрсатувлар дастури
17.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.35 Тенгдошлар
17.55 Тароз
18.15 Ракурс
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Кулгич
20.15 Очил дастурхон
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал
21.40 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр

22.40 ТВ-анонс
22.45 «Скарлетт»
Бадий фильм. 3-қисм
23.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари
00.20-0.25 Хайрли тун
«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мусиқий меҳмонхона»
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Химоя»
20.55 «Долзарб мавзу»
21.40 «Аёл қалби»
22.05 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.50 Кинонигоҳ.
«Изисиз йўқолган»
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти»
9.15 Мини футбол. Федерация кубоги.
9.50-10.25 «Кувнок стартлар»
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.05 «Спорт – антракт»
17.20 «Катта панжа изидан». Хужжатли сериал.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш»
19.00 «Қора кузгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиoнати»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Кулги тайм»
Спорт пайровлари.
21.35 «Sport TV» да кино: «Қара, ким

гапирапти». Бадий фильм.
23.05 «Маҳорат қирралари»
23.35 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал. Танаффусда «Спорт – клуб»
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Ойроқчи про-грамми 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Против течения», сериал 14.00 Художественный фильм, «Чёрный орёл», остросюжетный фильм 15.30 «Спорт-экстрим» 16.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.00 «Теле-хамкор» 17.30 «Детский час» 17.50 Киновечер на «30-м»: «Принц жемчужного острова», комедия 19.20 «Против течения», сериал 20.10 «Ошикона», мусикий дастури 20.40 «Спокойной ночи малыши» 21.00 «Теле-хамкор» 21.30 «Музыкальная пауза» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Астерикс и Обеликс против Цезаря», комедия 24.00 Программа передач

Payshanba

1

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Сеҳрли харфлар оролчаси»
2. «Кизиқарли учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Атлантида сирри». Мультфильм.
11.40 «Журналист таҳлили»
12.05 «Буюк аждод-

ларимиз»
12.25 «Мусиқий мунозара»
12.45 «Дунё бўйлаб»
13.05 «Котиллик пайдан». Телесериал.
13.55, 16.00 ТВ-анонс.
14.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ярим финал.
15.45 «Ёлгончилар қасри». Мультфильм.
16.05 «Парле ву франсе?»
16.25 «Таълим ва тараққиёт»
16.45 1. «Яшил чирок». 2. «Цирк, цирк, цирк»
17.45 «Харита»

Халқаро шарҳ.
18.10 «Умр мазмуни»
18.25 «Маслак ва мақсад»
18.45 «Зийнат»
19.05 «Соғлом она – соғлом бола»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Олтин бешик»
22.15 «Ифтихор»
22.35 «Ғурур ва эҳтирос». Бадий фильм. 2-қисм.
23.35 «Ахборот-дайжест»
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар

дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Ёлгон асираси». Телесериал
10.05 Тенгдошлар
10.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.15 ТВ-адвокат
11.20 Ҳамкасб
11.40 «Ромка, Фомка ва Артош». Мультфильм
12.10 Бир ўлкаки
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»

13.40 Чемпион сирлари (рус тилида)
14.05 Спорт-китъаси (рус тилида)
14.35 Автопатрул
14.55 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб»
15.10 Ҳазил соғинчи
15.30 Ракурс
15.50 Сув – ҳаёт манбаи
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Робин Гуд»
Бадий фильм. 1-серия
17.15 ТВ-анонс
17.20 Кўрсатувлар дастури
17.25 «Янги авлод» студияси: Кичикинтой-миз-гизинтоймиз
17.45 Хотира
18.00 Ёшлар овози
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша

18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» – интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Ўзимизники
20.10 Буюк аждодларимиз. Наҳмиддин Кубро
20.30 ТВ-адвокат
20.40 «Ёлгон асираси». Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Автосалтанат
23.05 «Скарлетт»
Бадий фильм. 4-қисм
23.55-0.00 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.

«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Эл хизматида»
21.15 «Бурч ва масъулият»
21.55 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри»
22.20 Кинонигоҳ.
«Мижоз»
00.10-00.15 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (рус тилида).
9.00 "Болалар спорти".
9.15 Мини футбол. Федерация кубоги.
9.50 "Алпқомат".
10.10 "Дунёнинг

янги мўжизалари".
10.40 Дисней клуб.
11.00 "Янгилар".
11.05-13.00 В.Шукшин "Иккита эркак" фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (рус тилида).
17.20 "Улкан динозаврлар макони".

Хужжатли сериал.
17.50 "Клон". Сериал.
18.50 "Миллионга кир ювчим".
19.00 "Қора қўзғун". Сериал.
20.00 "Время".
20.30 "Болалар спорти".
20.45 "Федерация фаолияти".

21.00 "Хабарлар".
21.15 "Майдон ортидаги одам".
21.30 "Нокаут".
22.00 "Спорт - менинг ҳаётим". Тўлаған Исоков.
22.20 "Ғолиблар авлоди". Хоккей ҳақида.
23.05 Футбол бўйича Европа чемпионати

кундалиги.
23.35 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал. Танаффусда "Х-Спорт".
01.25 "Тунингиз осуда бўлсин!".
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 "Теле-хамкор" 12.30 "Детский час"

13.00 "Против течения", сериал 14.00 Художественный фильм. "Астерикс и Обеликс против Цезаря", комедия 15.30 "Спорт-экстрим" 16.00 "Тайны мира", познавательная передача 17.00 "Теле-хамкор" 17.30 "Детский час" 17.50 Киновечер на "30-м": "Американские горки", остросюжетный фильм 24.00 Программа передачи

"Против течения", сериал 20.10 "Ошикона", мусикий дастури 20.40 "Спокойной ночи малыши" 21.00 "Теле-хамкор" 21.30 "Музыкальная пауза" 22.00 Киновечер на "30-м": "Американские горки", остросюжетный фильм 24.00 Программа передачи

Juma

2

«Ўзбекистон»

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. "Яшил чирок". 2. "Цирк, цирк, цирк".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 "Маринка, Янка ва киролад қасрининг сири". Бадий фильм.
11.20 "Оқ бўталоқ". Мультфильм.
11.40 А.Қодирий номидаги Маданият институти "Нихол" хор жамоасининг концерти.
12.05 "Зийнат".
12.25 "Бир жиноят изидан".
12.50 "Аския". IV Республика кўрик-танлови.
13.10 "Қотиллик пайидан". Телесериал.
13.55, 14.50 ТВ-анонс.
14.10 Телемулоқот.

14.55 Кундузги сеанс: "Ғаройиб бола". Бадий фильм.
16.15 "Санъат дўстлига чорлайди".
16.35 "Мувоzanат".
16.55 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Уйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
18.10 "Сихат-саломатлик".
18.30 "Истеъдод". Мусикий дастур.
18.45 "Тафсилот".
19.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Этикад мустаҳкамлиги йўлида".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Дастурхон атрофида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Солиқ хизмати хабарлари".
21.10 "Муносабат".
21.40 "Назм ва наво".
22.10 "Қулги қироли". Бадий фильм.
23.55 "Ахборот-"

дайжест".
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури
8.30 "Янги авлод" студияси: Кичкинтой-миз-гичкинтоймиз
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 "Ёлгон асираси". Телесериал
10.05 "Давр" интервью
10.20 "Сохибжамол ва Махлук". Мультфильм
11.40 Ёшлар овози
12.00 "Учинчи сайёра" маърифий дастури
12.50 Мусикий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: "Шарки ва Жорж"
13.40 Умид ғунчалари
14.00 Буюк аждодларимиз. Нахмиддин Кубро
14.20 Мезон
14.40 Учимизники
14.50 ТВ-адакот
14.55 Хотира
15.10 "Ўзбектеле-фильм" студияси намойиши: "Тандир,

арча, олов"
15.25 Тарози
15.45 Мусикий лаҳзалар
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 "Робин Гуд". Бадий фильм. 2-серия
17.20 Кўрсатувлар дастури
17.25 "Янги авлод" студияси: Кичкинтой театри
17.45 Томир
18.05 Ёшлар куйлаганда
18.20 ТВ-анонс
18.25 Аскар мактублари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Солиқ хизмати хабарлари
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Мусикий лаҳзалар
19.55 Давр. Миллий хавфсизлик
20.10 2004 - Меҳр ва муруват йили. Азизим
20.40 "Ёлгон асираси". Телесериал
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Кинотакдим
23.05 Мусикий лаҳзалар
23.15 "Мулоқот". Киска метражи телевизион бадий фильм

23.45 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ярим финал
01.45 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
17.55 "Хориж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Болалар экранлари".
18.30, 20.00, 20.55, 21.45 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
19.20 ТВда сериал. "Муҳаббат тарихи".
20.20 "Набатчи қисми".
21.15 "Аёллар салтанати".
22.05 ТВда сериал: "Рей Бредбери театри".
22.30 Кинонигоҳ. "Қатта бизнес".
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш

дастури.
8.45 "Хабарлар" (рус тилида).
9.00 "Болалар спорти".
9.15 "Спорт клуб: Спорт масканларида".
9.35 Мини футбол. Федерация кубоги.
10.10 "Дадиллик учун совин".
10.35 "Дунё манзаралари".
11.05-13.00 А.Захарова, Л.Пригунов "Қулаш" фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (рус тилида).
17.20 Хужжатли фильм.
17.50 "Болалар спорти".
18.10 Мультфильм.
18.20 "Спорт клуб". Ринг.
18.50 "Мўжизалар майдони". Телеуйин.
20.00 "Время".
20.30 "Ўзгача ҳаёт". Спортчилар ҳаётдан.
21.00 "Хабарлар".
21.15 "Белида белбоғи борлар".
21.30 "Жаҳон спорти": Теннис.

22.30 Футбол бўйича Европа чемпионати кундалиги.
23.00 Баскетбол NBA.
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!".
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 "Теле-хамкор" 12.30 "Детский час" 13.00 "Против течения", сериал 14.00 Художественный фильм. "Американские горки", остросюжетный фильм 15.30 "Ошикона", мусикий дастури 16.00 "Тайны мира", познавательная передача 17.00 "Теле-хамкор" 17.30 "Детский час" 17.50 Киновечер на "30-м": "Одиннадцать надежд", мелодрама 19.20 Звезды ринга на "30-м": Лучшее поединки звезд профессионального и любительского бокса 20.10 "Ошикона", мусикий дастури 20.40 "Лучшие клипы" 21.00 "Теле-хамкор" 21.30 "Музыкальная пауза" 22.00 Киновечер на "30-м": "Сквозные ранения", остросюжетный фильм 24.00 "Ночной канал" - "Прощание в июне"

Shanba

3

«Ўзбекистон»

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Уйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
10.00 "Зиё" студияси намойиш этади: "Этикад мустаҳкамлиги йўлида".
10.20 "Мусика дунёси".
10.40 "Теледўмбоқчалар". Мультфильм.
11.45 "Олтин бешик".
12.15 Телетанлов: "Алломиниш авлодлари". Навоий вилояти.
12.35 ТВ-анонс.
12.40 "Дахлсиз ҳудуд". Бадий фильм. 1-қисм.
13.50 Эстрада тароналари.
14.10 "Дахлсиз ҳудуд". Бадий фильм. 2-қисм.
15.20 "Дўстлик" студияси: 1.

"Ўзбекистон - умумий уйимиз". 2. "Умид". 3. "Дурдаршан".
16.20 "Табиат шифохонаси".
16.30 "Қалб гавҳари".
16.50 "Антика томоша".
17.20 "Қуйла, ёшлигим".
17.40 Болалар учун. "Саргузаштлар ороли".
18.10 "Қишлоқ ҳаёти".
18.30 "Жиддий ўйин".
19.10 "Ўзлотто". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиларлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қизлар давраси".
21.20 "КиноТеатр".
21.40 "Оскар". Бадий фильм.
23.20 "Ахборот-"

дайжест".
23.40-23.45 Ватан тимсоллари
«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури
8.30 "Янги авлод" студияси: Кичкинтой театри
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 "Ёлгон асираси". Телесериал
10.05 Табобат оламида
10.30 Жаҳон жугрофияси
11.20 Давр. Миллий хавфсизлик
11.35 ТВ-анонс
11.40 Томир
12.00 Кутилмаган меҳмон
12.25 Мусикий лаҳзалар
12.35 "Қадимги мажхулотлар билан сайр". Хужжатли фильм. 3-қисм
13.20 Сув - ҳаёт манбаи
13.25 Бола тилидан
13.55 "Шрек-1". Мультфильм
15.15 Интерфутбол
16.55 Кишлоқдаги

тенгдошим
17.15 ТВ-анонс
17.20 Кўрсатувлар дастури
17.25 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма
17.50 Мульттомоша
18.05 Дунё аjoyиботлари
18.15 Бизнес-академия
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 "Давр" - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 "Ойла тилсими". Улмас Умарбеков. 1-қисм
20.15 Қулгич
20.20 Оҳанрабо
21.05 "Қутилмаган якун". Бадий фильм
22.00 Давр
22.40 "Қутилмаган якун". Бадий фильм (давоми)
23.35 -23.40 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 Болажонлар экранлари.
17.45 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
17.55 "Мультчархпалак".

18.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
18.35 "Жаҳон географияси".
19.05, 20.25 "Экспресс" телегазетаси.
19.20 "Экран зийнати ва қиймати".
19.50 "Афиша".
20.10 "Мисли гавҳар".
20.40 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
21.10 "Нима учун?".
21.40 "Бахтли бўлинг".
22.20 Кинонигоҳ. "Али бобо ва қирқ қароқчи". 1-2 сериялар.
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (рус тилида).
9.00 "Мультфильм".
9.10 "Лаззат".
9.30 "Рангбаранг лента" А.Райкин.
10.20 "Уйга қайтиш".
11.00 Янгилар.
11.10 В.Ивашов "Етти энага" комедиясида.
12.40 Дисней клуб.
13.10 "Болалар

спорти".
13.30-14.05 Мини футбол. Федерация кубоги.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар" (рус тилида).
17.15 "Спорт - антракт".
17.20 И.Муравьева "Энг ёқимтой ва жозибадор" фильмида.
19.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?".
20.00 "Время".
20.20 "Кўнгал пайванд". Ток-шоу.
21.00 "Хабарлар".
21.15 "3-тайм".
21.45 "Ўзбекистон ифтихорлари".
22.05 "Жаҳон спорти": Проф-РИНГ.
23.05 "Sport TV" да кино: "Муҳаббат формуласи". Бадий фильм.
00.30 "Тунингиз осуда бўлсин!".

30-канал
9.00 Открытие программы 9.05 "Теле-хамкор" 9.30 "Детский час" 10.00 Фильм детям: "Похищение в Тютюрлистане", мультфильм 11.30 "Окно в мир" - документальный фильм 12.00 "Сквозные ранения", остросюжетный фильм 13.40 Звезды ринга на "30-м": Лучшее поединки звезд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: "Смертельный приговор" 17.10 "Дикая планета", познавательная передача 18.00 "Теле-хамкор" 18.20 Киновечер на "30-м": "Лунные поляны", мелодрама 19.50 "Ошикона", мусикий дастури 20.20 Хит-парад.uz 21.20 "Теле-хамкор", фойдала газета 21.40 "Музыкальная пауза" 22.20 Киновечер на "30-м": "Шири" остросюжетный фильм 24.00 "Ночной канал" - "Умри, но не сейчас", остросюжетный фильм

Yakshanba

4

«Ўзбекистон»

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Қамалак". Болалар учун кинодастури.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Бу турфа олам".
12.10 Вилоят хонандалари куйлайди.
12.30 "Лаззат сеҳри".
12.55 "Жиддий ўйин".
13.35 "Улкан балиқ ови". Бадий фильм.
14.45 ТВ-анонс.
14.50 "Антика томоша".
15.20 "Дўстлик" студияси: 1. "Ранг-гинкамон". 2. "Дидар". 3. "Айчу-рек". 4. "Чинсан".
16.40 "Портретга чизгилар".
16.55 ТВ-клип.
17.05 1. "Улғайиш погоналари". 2. "Олтин тож".
18.05 "Шарқ тароналари".
18.25 "Шахсий фикр".
18.55 "Экран ханда-

си".
19.30 "Тахлилнома" (рус тилида).
20.05 "Рангин дунё".
20.30 "Тахлилнома".
21.15 2004 йил - Меҳр ва муруват йили. "Яхшилик".
21.40 "Қўшиғимиз Сизга эрмуғон".
22.00 "Ўзбекистон" телеканалда илк маротаба: "Ҳаммаси яхши бўлади". Бадий фильм.
23.30 -23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури
8.30 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма
8.55 Иқлим
9.00 "Давр" - репортаж
9.10 Кинотакдим
9.30 Томорқа
9.40 Очил дастурхон
10.00 "Учинчи сайёра" маърифий дастури
10.40 Оҳанрабо
11.20 Минг бир ривоят
11.25 "Ёшлар" телека-

налида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Аскар мактублари
11.45 "Қадимги мажхулотлар билан сайр". Хужжатли фильм. 4-қисм
12.30 "Қилин қирқ ёриб...". Интеллектуал ўйин
13.20 "Шрек-2". Мультфильм
14.40 Мусикий лаҳзалар
14.50 Ринг қироллари
15.40 "Шаҳзода ва гадо". Бадий фильм
17.10 2004 - Меҳр ва муруват йили. Азизим
17.35 Кўрсатувлар дастури
17.40 "Янги авлод" студияси: Уй вазиаси
18.00 Мульттомоша
18.15 Спорт ҳафтано-маси
18.30 А.Орипов. "Ватаним менинг".
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 "Давр" - news
19.20 ТВ-анонс
19.25 "Ойла тилсими". Улмас Умарбеков. 2-қисм
19.50 Сув - ҳаёт манбаи

19.55 Мусикий лаҳзалар
20.05 "Заковат". Интеллектуал ўйин.
21.05 "Данте чўққиси". Бадий фильм
21.50 Олтин мерос
22.00 "Давр" ҳафта ичида
22.35 "Данте чўққиси". Бадий фильм (давоми)
23.35 -23.40 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 Болажонлар экранлари.
17.45 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
17.55 "Эртақларнинг сеҳрли олами".
18.35 "Жаҳон географияси".
19.25 "Шунақа гаплар". Хажвий кўрсатув.
20.20, 21.25 "Экспресс" телегазетаси.
20.35 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
21.05 "Дугоналар".
21.40 "Тв плюс".
22.10 "Тенгдошлар".
22.40 Кинонигоҳ.
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 "Хабарлар".

7.45 "Бардам бўлинг". Тонги дам олиш дастури.
8.45 "Хабарлар" (рус тилида).
9.00 "Полвон бўлмоқ-чиман".
9.10 Д.Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигида".
10.10 "Қувноқ стартлар".
10.45 "Рақибингиз грессмейстер".
11.00 "Соғломлаштирувчи йога". Инглиз тилида.
11.10 Хажвий сериал.
12.00 Мини футбол. Федерация кубоги.
12.35 Профессионал бокс тарихидан.
13.00-14.50 Н.Гундарева, Б.Брондуков "Фуқаро Никонорова сизни кутяпти" комедиясида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 "Хабарлар" (рус тилида).
17.15 "Бинафша".
17.35 Христофор Колумб. Мультфильм.
18.10 Премьера. "Қордаги итлар". Кинокомедия.
20.00 "Время".

«RAXMAT-PLYUS» ХФ МЧЖга айлантирилди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 48-39-60 рақамли телефон орқали қабул қилинади
Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ҳокимлиги томонидан 1998 йил 22 январда 91/1 рақами билан рўйхатдан ўтган «RANG-AL» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 175-70-65 рақамли телефон орқали қабул қилинади.
Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактаб томонидан 1994 йил 18 июнда Симонов Вадим Александрович номига берилган 428253 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
мита", мультфильм 11.30 "Теле-хамкор" 12.00 "Шири", остросюжетный фильм 13.30 Хит-парад.uz 14.30 Дневной кинозал: "Никогда не говори никогда" остросюжетный фильм 16.20 "Фактор страха" 17.10 "Дикая планета", познавательная передача 18.00 "Теле-хамкор" 18.20 Киновечер на "30-м": "Запасной игрок", остросюжетный фильм 19.50 "Ошикона", мусикий дастури 20.20 "Дальнобойщики", сериал 21.20 "Теле-хамкор" 21.40 "Музыкальная пауза" 22.20 Воскресный киноветер на "30-м": "Зависть богов", остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Эртага – Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кун

Шундай касблар бўладики, ўзи кўзга унчалик ташланавермасида, аммо, кундалик турмушимизда бундай соҳа вакиллари билан деярли ҳар кунни тўқнаш келамиз. Ана шундай касблардан бири савдо соҳасидир. Ушбу касб эгалари аҳолига зарур бўлган истеъмол молларини етказиш ва намунали савдо хизмати ташкил этишни ўзларининг асосий мақсадлари деб биладилар.



Хизмат қилишмоқда, ишлаб чиқаришмоқда

Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ҳам қарийб 2 миллион аҳолига беминнат хизмат қилиб келмоқда. Сўнгги йилларда компания ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан анчагина ижобий самараларга эришилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортиб бормоқда.

Айни кунда вилоятда «Матлуботсавдо» тизими таркибда қарийб мингга яқин савдо дўконлари фаолият олиб бораётган бўлса, 500 га яқин умумий овқатланиш корхоналари ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан 400 га яқини мактаб ошоналари ва 112 та халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ана шунга йўналтирилган.

– Ҳозирги жараёнда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сони ва сифатини ошириш ўзига хос ёндошувларни талаб этмоқда, – дейди вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Қудратилла Маҳаматжонов. – Шунга қарамай, изланишларимиз, фаолиятимизни ривожлантиришга бўлган интилишимиз ўз самараларини бераёпти. Биргина мисол, бу йилги жами савдо айланмаси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1509 миллион сўмга ошди. Ёки бўлмаса, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. Бу борада ўтган йилга нисбатан ўсишга эришиб, 3850 тонна маҳсулот тайёрланди. Энг муҳими бу жараёнда биз ишимизда сифатни ҳам эсимиздан чиқарганимиз йўқ. Мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқа-

рилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, хизмат савиясини ошириш борасида зарур чора-тадбирларни олиб бормоқдамиз. Шунинг натижаси ўлароқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий чакана савдодаги улуши қарийб 20 фоиздан ортқни ташкил этмоқда.

Шу ўринда компания фаолиятидаги яна бир алоҳида жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Сўнгги икки-уч йил ичида вилоят матлуботчилари чорвачилик ва деҳқончиликнинг уддасидан чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш борасида ҳам ўзига хос мактаб яратмоқдалар. Айни кунда «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси тизимида 413 бош қарамол ва 690 бош қўй-қўзи парвариш қилинаётир. Улардан ҳозиргача қарийб 200 тонна гўшт тайёрланди. 150 бош қўзи олинди. Бу эса, ўтган йилга нисбатан анча кўп демакдир.

Шунингдек, бу йил матлуботчилар 1174 гектар майдонга чигит қададилар. 700 гектар ерда эса бугдой етиштирилди. Компания тасарруфидаги Бекобод туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида бу йил 612 гектар ерга пахта ва 120 гектар ерга бугдой экилди. Айни кунда асосий майдондаги бугдой ўриб, янчиб олинди ва 250 тонналик давлатга дон сотиш шартнома режаси аллақачон удаланди. Ҳосилдорликни бир йил ичида 7 центнерга оширишга эришилди.

2003 йил июнь ойида Қуйичирик туманидаги санацияга тушган «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги

«Матлуботсавдо» тизимида бириктирилган эди. Айни кунда бу ердаги ҳосил чўғидан ҳам матлуботчиларнинг кўнгиллари тўқ. «Меҳнатобод»да 602 гектар майдонга экилган бугдой ҳосили қутилганидан ҳам юқори бўлди. Бошқача айтганда илгарилари гектаридан базўр 18-19 центнер бугдой етиштирган хўжалик компания ихтиёрига ўтгач, бир йилда бу кўрсаткични 39 центнерга кўтарди. Ҳозирда 558 гектар майдондаги гўзанинг ривожини баравж.

– Бунинг бош омили, – дейди вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш бўлимининг мутахассиси Дилмурод Тўлаев, – 2004 йил ҳосили учун ер, уруғлик ва бошқа воситаларни ўз вақтида, сифатли тайёрлаганимиз бўлди.

Ана шундай ютуқларга эришаётган вилоят матлуботчилари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга ва тарбия муассасаларига саховатпешаликни ҳам унутмаётдилар. Хусусан, маҳаллалардаги кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга, шунингдек, Пскент туманидаги 79-сонли махсус интернатга ва меҳрибонлик уйларида 1 миллион 271 минг сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.

– Ишлабмиз, ҳаракат қилаймиз, – дейди компания раиси ўринбосари Рўхсора Абдурахмонова. – Шунга қарамай, ҳали амалга оширишимиз керак бўлган ишлар талайгина. Муҳими биз бу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўлида бор имкониятларимизни ишга солаёلمиз.

Дарҳақиқат, иш бор жойда муаммолар учрайверади. Уларни енгиб ўтишда эса, катта шижоат, изланиш, тадбиркорлик талаб этилади. Ана шундай мақсад йўлида интилаётган вилоят «Матлуботсавдо» ходимларига куч-ғайрат тилаймиз ва касб байрамлари билан чин юракдан қўлаймиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Зангиота туманидаги халқ хўжалиги моллари дўкони; «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси мутахассиси Дилмурод Тўлаев ҳосил чўғидан мамнун.

Маҳсулот деҳқондан, шароит биздан

Вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидаги бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, ривожлантириш, жойларда амалга киритилаётган ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ этишда «Тошвилоятбозорсавдо» уюшмаси қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Уюшма тизимида жами масъулияти чекланган жамият шаклидаги 37 та бозорлар хизмат кўрсатмоқда. Шу жумладан, уларнинг 20 таси деҳқон, 10 таси буюм ва 7 таси ихтисослашган бозорлардир. Ҳозирги кунда янгитдан ташкил бўлган бозорларнинг ихтисослашуви бўйича чегаралаш юзасидан тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда аниқ чизмалар тайёрланган ва шу асосда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган.

Деҳқон бозорларида тадбиркорларга қулайлик яратиш учун чакана савдо қилишни фақат турғун савдо шаҳобчаларида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бугунгача Паркент туман деҳқон бозорида 30 та, Оққўрғон туманида 38 та, Бўстонлиқ туманида 33 та, Чирчиқ шаҳрида 46 та турғун савдо шаҳобчалари куриб, ишга туширилди. Булардан ташқари бундай шаҳобчалар Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Бўка туманларида ҳам қўшимча бунёд этилмоқда. Қурилиш ишлари асосан бозорларнинг ички имкониятлари ва тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Тошкент вилоятининг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган вилоят фаоллари йиғилишида қўйилган вазифалар ҳамда вилоят ҳокимининг махсус қарорига мувофиқ уюшманинг 2004 йилда бозор даромадлари режасини 2,5 миллиард сўмга, товар айланмасини 1 миллиард сўмга, бажариладиган қурилиш ишларини 1,2 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилганлиги тизим мутасаддилари зиммасига қатор вазифаларни юклади. Ҳозир бу масъулиятни адо этиш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқилди ва навбатдаги иш-



лар шунга асосан олиб бормоқда.

Уюшма бошқаруви тизимидаги туман ва шаҳар бозор масъулияти чекланган жамиятлари савдо қилувчиларга шарт-шароит яратиш, даромадларни ошириш, хизмат турларини кўпайтириш билан бир қаторда ҳомийлик кўрсатиш бўйича ҳам бир қатор ишларга бош қўшмоқда. Шу ўринда, уюшманинг «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида Бўстонлиқ туманидаги 125-сонли ақли заиф болалар мактаб-интернатига 3 миллион 140 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатганини таъкидлаш жоиздир.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, энг асосий вазифалардан ҳисобланмиш бозор нарх-наволарини меъёрлаштириш, тартибга солиш, даромадларни ошириш, савдо қилувчиларга қулай шароитлар яратиш, жойлардаги бозорларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш каби юмушлар «Тошвилоятбозорсавдо» уюшмасининг доимий диққат марказида. Кўзланган мақсадларга етишиш эса, навбатдаги амалий ишлар кўламига боғлиқ. Уюшма жамоаси ўзининг касб байрамини ана шундай қизгин меҳнат жараёнида муносиб нишонламоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



«Наврўз»да адабий кеча

Зангиота туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалигида туман марказлашган ҳамда 7-тармоқ кутубхоналари, «Қатортол» қишлоқ фуқаролари йиғини хотин қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Меҳрга ташна мурғак қалблар» номли адабий-бадий кеча ўтказилди.

Тадбирда қишлоқдаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 14 нафари тақлиф этилиб, уларнинг бадий чиқишлари, қизиқарли савол-жавоб викториналари уюштирилди. Шунингдек, Эшонгузар ма-

даният уйи ходимларининг куй-қўшиқлари қатнашчиларга яхши кайфият улашди. Кечада иштирок этган болалар бадий китоблар, ҳомий тадбиркорларнинг совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

Сабоқ усулларини ўрганишди

Вилоят «Турон» илмий универсал кутубхонасида «Болалар ва ўсмирларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришда маънавий етуклик» мавзусида семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларнинг марказий кутубхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинарда кутубхона ва тарбия муассасаларида болалар ҳамда ўсмирларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришда маънавий етукликнинг

ўртасида ишбилармонлик ва савол-жавобларга асосланган ўйинларни ўтказиш усуллари ҳақида сўз борди. Бу борада айрим шаҳар ва туманларнинг тажрибалари билан ҳам танишилиб, уларни оммалаштиришга келишиб олинди.

Равшан РУСТАМОВ.

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

«Пахтакор» дуранг ўйнади

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг ўтган йилги соҳиби – «Пахтакор» (Тошкент) бу йил, турнир қондасига кўра, мамлакат кубоги баҳсларига чорак финалдан қўшилди.

У чорак финалнинг биринчи учрашувини Жиззахда маҳаллий «Сўғдиёна» жамоасига қарши ўтказди. Мамлакатимизнинг энг кучли клуби са-

фар беллашувига иккинчи таркиб ўйинчиларини қўйгани боис «Сўғдиёна» меҳмонлар билан тенгма-тенг ўйнади. Учрашувдаги ҳисобни 20-

дақиқада пахтакорчи Садриддин Абдуллаев очди. Ўйиннинг иккинчи ярми бошланиши билан Алексей Вла-сичев мезбонлар дарвозасига навбатдаги голни киритди. «Сўғдиёна» футболчилари иккита гол фарқи билан ортда боришга қарамай, ҳисобни тенглаштиришга эришди. Тўрт дақиқа ичида



«Пахтакор» дарвозасини бир мартадан аниқ нишонга олган Ботир Султонов ҳамда Азиз Мамажонов жамоасига дуранг натижани тақдир этди – 2:2.

Ярим финалга қайси жамоа чиқиши 28 июнь куни Тошкентда ўтказиладиган жавоб учрашувидан сўнг маълум бўлади.

Ў.А.


Гиламда курашчилар

Термиз шаҳридаги «Алломиш» спорт мажмуи кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида мезбонлик қилди. Унда беш юз нафарга яқин курашчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Эркалар ўртасидаги баҳсларда сармақандлик полвонлар – Ф.Маматов, А.Усанов, Сурхондарё вакиллари – Т.Ўтаев, Ф.Жўллийев, Ҳ.Зиёвутдинов, пойтахтлик Ш.Тўраев, Тошкент вилоятдан Д.Чориев Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Аёллар ўртасида Р.Шайхутдинова (Фарғона), Д.Иброҳимова, У.Сафарова (Самарқанд), М.Жўраева (Бухоро), Т.Кандаурова (Тошкент шаҳри) ҳамда Д.Қамбарова (Андижон) мамлакат чемпионатининг олтин медалларига сазовор бўлди.

Ў.А.



Ғолиб — «СОҒЛОМ ОИЛА»

Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оилаларнинг кундалик турмуш тарзига синдириш, оила аъзоларининг жисмонан баркамол, бақувват ва соғлом бўлишига, чиниқишига, умумий иш қобилиятининг ўсишига ёрдам бериш, уларни турли ўйинлар ва жисмоний машқларга қизиқтириш каби хайрли мақсадлар йўлида ҳар йили «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаси ташкил этилиб келинмоқда.

Бу йилги мусобақанинг вилоят босқичи Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилди. Уни юқори савияда ўтказиш учун вилоят «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси яқиндан ҳамкорлик қилишди.

Ўқувчи натижаларга тўхталдиган бўлсак, биринчи ўрин мезбон жамоага насиб этди. Улар энди вилоятимиз шарафини республика миқёсида бўлиб ўтадиган якуний босқичда ҳимоя қилишади. 8 очко жамғарган бекободликлар иккинчи ўрин, 7 очко тўплаган Оққўрғон жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

Хуллас, мусобақа ўтди. Ғолиблар маълум. Энди мазкур мусобақанинг ташкилий жараёнлари ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этсак. Маълумотларга қараганда, ўтган йили вилоят босқичида 18 та оилавий спорт жамоаси иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони 3 тага камайганини кузатиш мумкин. Ушбу мусобақада Бекобод, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Бўстонлиқ, Пскент, Паркент туманларидан биронта ҳам оилавий спортчилар иштирок этмаганлигини қандай тушуниш мумкин?

Мусобақанинг низомига кўра, жамоалардаги фарзанд иштирокчилар икки нафардан ортиқ бўлиши, уларнинг ёши 14 ёшдан катта бўлмаслиги белгиланган. Жамоалардаги айрим иштирокчи болаларнинг ёши эса бу талабга умуман тўғри келмайди.

Низом бўйича мусобақада 5 та шарт тўлақонли бажарилиши кўрсатилиб қўйилган. Лекин қаергадир «шошаётган» ташкилотчи ва мутасаддилар «Ким қаққон ва мерган» ва «Овчилар ва қуёнлар» каби қизиқарли турларни унутиб қолдиришди.

Таҳлил қилган десангиз бошқа гаплар ҳам бор. Истагимиз мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийлари келгусида унга масъулият билан ёндошиб, вилоят босқичини энг юқори савияда ўтишини таъминласалар. Агар жараён шу тариха кетса, спортчи оммавийлаштириш, энг муҳими соғлом оилани шакллантиришга хизмат қиладиган бундай хайрли ишга путур етиши, унинг нуфузи тушиб кетиши мумкин...

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида армрестлинг бўйича мамлакат миқёсида ўтказилган турнирда Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан келган 120 нафар спортчи етти вазн тоифасида ўз кучини синаб кўрди.

Португалияда ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг «С» ҳамда «Д» гуруҳларида иштирок этаётган жамоалар сўнгги тур учрашувларини ўтказди.

Учинчи беллашув олдидан «С» гуруҳида Италия, Швеция ҳамда Дания терма жамоаларида чорак финалга чиқиш имконияти бор эди. Бироқ, ҳар икки рақобатчи билан дуранг ўйнаган италиянлар Болгарияни ютиши шарт бўлиб, шунда ҳам уларнинг тақдири Швеция ҳамда Дания жамоаларининг ўзаро учрашувидан натижага боғлиқ бўлиб қолганди.

Мухлису мутахассислар Португалияга фаворит сифатида келган италияликларни сўнгги учрашувда «Евро-2004»нинг энг заиф жамоаси – Болгарияни осонлик билан енгитиши кутганди. Лекин ўз мухлислари олдидан «юзини ёруғ» қилиб олишга ҳаракат қилган болгарияликлар Италияни анча қийнади. Беллашувдаги биринчи гол ҳам Жанлуиджи Буффон кўриклаётган «могий гвардия» дарвозасидан жой олди. Болгарияликларнинг «Евро-2004»даги ягона голини Мартин Петров 11 метрлик белгидан киритди.



Италияликлар шу кунгача Европа чемпионатлари финал қисмида бой берилмаётган ўйинда ғалаба қозонолмаган. Лекин Жованни Трапаттони шогирдларидаги чорак финалга чиқиш иштиёқи ана шу ноҳуш аънаёнага барҳам берди. Анча кучли ўйин намойиш қилган италияликлар Симоне Перроттанинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни тенглаштирди.

Шундан сўнг Ж.Трапаттони ҳужумни кучайтириш учун ўйинга Кристиан Вьерини туширди. Машҳур ҳужумчи гол урмаган бўлса-да, анча фойдали ўйнади. Ниҳоят, ҳакам томонидан учрашувдаги тўхтатилишлар учун қўшиб берилган вақтда Италия таркибидаги энг ёш футболчи – Антонио Касано мухлислар орзиги кутган голни киритди. Болгарияни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган италияликлар энди Швеция ҳамда Дания учрашувда 2:2 ёки ундан йирик ҳисобда дуранг қайд этилмаслигини тилаб, на-

Спортчилар Сайхунбодда беллашди

Сирдарё вилояти вакиллари Хусан Бобоқулов, Нуриддин Алиев, Искандар Гофуров, Жуманиёз Худоев, Рустам Жабборов, Фуркат Алимов ҳамда пойтахтлик Жамол Норов ўз вазн тоифасида ғалаба қозонди.

Шунингдек, мутлақ вазн тоифасидаги баҳсда Осиё чемпионати бронза медали соҳиби – боёвтулик Фарҳод Худоев турнирнинг мутлақ ғолиби деб топилди.

Қ.ҚАРШИЕВ,
Ў.А. муҳбири.

тижани кутишга мажбур эди.

Дания-Швеция ўртасидаги кескин ва муросасиз курашлар ва голларга бой бўлган ўйинда эса ҳисоб 28-дақиқада очилди. Италиянинг «Милан» жамоаси ҳужумчиси Йон Даль Томассон 30 метрдан кучли зарба йўллаб, шведияликлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Бироқ, ўйиннинг иккинчи ярми бошланиши билан данияликлар ўз жарима майдончаси ичида қондани бузди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Хенрик Ларссон



Гуруҳ баҳслари тугади Олдинда чорак финал

аниқ бажарди ва «Евро-2004»даги учинчи голни киритди.

Шу кунги учрашув қаҳрамони бўлган даниялик Йон Даль Томассон 66-дақиқада Андреас Исакссон дарвозасига иккинчи голни киритиб, ўз жамоасини яна олдинга олиб чиқди – 2:1. Мана шу ҳисоб данияликлардан ташқари италияликларни ҳам қониқтирарди. Агар учрашув ана шу натижа билан якунланса, шведлар гуруҳдан чиқолмай қолиб кетарди. Лекин беллашув тугашига бир дақиқа қолганида Маттиас Юнсон Швецияни чорак финалга олиб чиққан голни уриб, ҳисобни тенглаштирди – 2:2.

Сўнгги тур натижаларига кўра бирваракайига учта терма жамоа – Швеция, Дания ва Италия бир хил – бештадан очко жамғарганди. Лекин ўзаро учрашувлардаги тўплар нисбатига кўра, бирорта беллашувда мағлубиятга учрамаган Италия ортга қайтадиган бўлди.

«С» гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритган шведлар чорак финалдаги рақиб қайси жамоа эканини билиш учун «Д» гуруҳи ўйинларини кутган бўлса, Дания футболчилари Чехия терма жамоасига қарши ўйинга тайёргарликни бошлаб юборди.

ЧЕХИЯ ЎЧИНИ ОЛДИ

«Д» гуруҳида Чехия терма жамоаси чорак финал масаласини муддатидан олдин ҳал қилганди. Германия, Голландия ва Латвия эса яна битта йўлланма кимга тегишли эканини аниқлаб олиши лозим эди. Бу борада дастлабки иккита учрашувни дуранг билан якунлаган германияликларнинг имконияти юқори ҳисобланганди. Чунки «немис машинаси» чорак финал иштирокчиси – Чехиянинг иккинчи таркиби билан қўйилди. Кўпчилик немислар етакчи футболчилари дам олаётган Чехияни осонликча мағлуб этишини башорат қилганди.

Ўйин ҳам ақсарият мухлису му-

тахассислар кутгандек бошланди. Ташаббусни ўз қўлига олган немислар 21-дақиқада Михаэль Баллакнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисобни очди. Лекин тўққиз дақиқадан сўнг Марек Хайнц жарима тўпини аёло даражада бажариб ҳисобни тенглаштирди – 1:1.

Албатта, дуранг натижа Руди Фёллер шогирдларини қониқтирмасди. Шунинг учун ҳам германияликлар ҳужумни кучайтирди. Лекин Чехиянинг иккинчи таркиби ҳам немислардан устун эканини исботлади. Англиянинг «Ливерпуль» жамоаси ҳужумчиси Милан Барош икки ҳимоячини ортда қолдириб, Оливер Кан билан яккама-якка қолди. Унинг биринчи зарбасини мохир дарвозабон қайтарди лекин Милан Барош иккинчи уринишдан сўнг Чехияни олдинга олиб чиқди – 2:1.

Ана шу ҳисобда ғалаба қозонган чехияликлар 1996 йилги Европа чемпионати финалидаги мағлубият учун немислардан ўч олди. Ушанда Германия чехларни 2:1 ҳисобида

мағлуб этиб, қитъа чемпиони бўлганди. Энди эса, бош соврин учун асосий даъвогарлардан бири ўйга эрта қайтмоқда.

МЕЗБОНЛАР КЎЧАСИДА БАЙРАМ

Европа чемпионатининг дастлабки чорак финалида Португалия ва Англия терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Ҳисоб учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ очилди. Англиялик Майкл Оуэннинг зарбасини Португалия посбони Ринарду қайтара олмади.

Ўз майдонида ўйнаётган португалияликлар ҳисобни тенглаштириш учун ҳужумни кучайтирди. Англияликларнинг иккитдорли ҳужумчиси Уэйн Рунининг жароҳат олиши инглизларга қимматга тушди. Чунки, бу футболчи майдонни тарқ этгач, англияликлар бирорта ҳам хавфли ҳужум уюштира олмади.

Иккинчи бўлимда катта куч билан олдинга ташланган португалияликлар 83-дақиқада ҳисобни тенглаштирди. Гол ёш ҳужумчи Элдер Пошти ҳисобига ёзилди. Асосий вақт дуранг билан якунланди – 1:1. Ўйин қондасига кўра қўшиб берилган ярим соат мобайнида жамоалар яна биттадан гол киритди. Дастлаб Руй Кошта мезбонларни олдинга олиб чиққан бўлса, қўшимча вақт тугашига 5 дақиқа қолганида Фрэнк Лампард ҳисобни тенглаштирди. Ярим финал иштирокчиси пенальтилар сериясида аниқланди. Бу баҳсда омад португалияликлар томонида бўлди. Улар инглизларни 6:5 ҳисобида енгди.

Қолган ўйинлар: 25 июнь Франция – Греция, 26 июнь Швеция – Голландия, 27 июнь Чехия – Дания.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
спорт шарҳловчиси.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Тўпурлар баҳсида рақиб дарвозасига тўрттадан гол урган Уэйн Руни (Англия) ҳамда Рууд ван Нистелрой (Голландия) пешқадамлик қилмоқда.

*** Голландиялик Арьен Роббеннинг уч марта аниқ тўп оширишидан сўнг жамоадoshiлари гол урган.

«Гол-пас» схемаси бўйича иккитдорли ҳужумчи Уэйн Руни пешқадамлик қилмоқда. У тўртта гол уришдан ташқари бир марта жамоадoshiни голли вазиятга чиқарган.

Чемпионатнинг энг кўпол ўйинчиси Россия терма жамоаси ҳимоячиси Роман Шароновдир. У 144 дақиқа ўйнаб, учта сарик қарточка олди.

Гуруҳ баҳсларида 58 та гол киритилди. Бу битта учрашувда ўртача 2,64 та гол дегани. Белгиланган 7 та пенальтидан биттаси ноаниқ бажарилган.

Гуруҳ беллашувларида ўз дарвозасига гол киритиб қўйган ягона футболчи Хорватия терма жамоаси аъзоси Игор Тудордир.

Англия ва Швеция жамоалари энг кўп – саккиздан гол урган. Дания ҳамда Португалия терма жамоалари энг кам – иккитадан гол ўтказган.



Илгари хабар қилганимиздек, Муқимий номидаги Ўзбекистон Давлат мусиқали драма театрида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоят якуний босқичи бўлиб ўтди. Вилоят Маданият ишлари бошқармаси томонидан ўтказилган бу тадбирда 30 дан ошиқ янги кўшиқлар тингланди.

Кўнгилдаги гулимсан, Ватан!

Кўшиқнинг энг сараси, энг жозибадори она Ватан ҳақидаги кўшиқлардир. Юртимизни, фаровон турмуш тарзимизни чиройли ташбеҳлар, дилрабо оҳанглар ва ифода-ларда шинавандалар қалбига етказиш осон иш эмас. Кўшиқ инсоннинг кўнгил гули, ҳаётга ундовчи мўъжиза, у инсон дилини яйратади, сайратади. Айниқса, бу кўшиқ Ватан ҳақида бўлса...

Ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловида янги-янги номлар кашф этилаётир. Бугунги кунда нафақат вилоятимиз ҳудудларида, юртимизнинг олис-олис жойларида ҳам ўз салоҳиятига эга ҳуш-овоз хонандалар — Анвар Фаниев, Тошпўлат Маткаримов, Санобар Сатторова, Дилноза Исмиёминова, Зафар Расулов, Ориф Омоновлар илк бор мана шу танловда қатнашиб, элга танилганликларини айтишнинг ўзи кифоя.

Бу галги танловда ҳам вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган ёш санъаткорлар, хор жамоалари, яккахонлар ва ижодий гуруҳларнинг ҳар бир чиқишлари зални тўлдириб ўтирган ихлосмандлар олқишлари билан уйғунлашиб кетди.

Кўшиқ байрамининг ўзига хос хусусияти — унинг оммавийлигидадир. Таъбир жоиз бўлса, 7 ёшдан 70 ёшгача ижрочилар айтган кўшиқларда энг эзгу туйғу — Ватанга муҳаббат туйғуси жилоланиб турди. Танловнинг ёш иштирокчиси Нодир Зоитов ижро этган «Мен бахтнинг парвозиман» кўшиғи худди зилол

вакиллари аҳил, иноқ яшамокдалар. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни она юртим деб, улуғлайди. Ангрен шаҳридан корейс халқ хори тақдим этган «Ўзбекистон, онажон», юқоричирчиқлик қозоқ кизи Розия Худойбергенова ижро этган «Дунё» кўшиқлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шу куни бўқалиқ Ақром Кенжаев, Тошкент туманидан Шавкат Рихсибоев, ангренлик

нига эга бўлишди.

Бўқалиқ ёш хонанда Отабек Собиров, Бекобод шаҳридан Шавкат Бекбоев, Ўрта-чирчиқ туманидан хор жамоаси — иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Учинчи ўрин эса, юқоричирчиқлик Розия Худойбергенова, Олмалик шаҳридан Абдумалик Ҳасанбоев ва ангренлик Азизбек Кўкиевларга насиб этди. Ғолибларга вилоят Маданият ишлари бошқармасининг дипломлари топширилди.

Ватан ҳақидаги кўшиқ майли, мукофотли, мукофотсиз бўлсин, санъат қононаси



ирмоқчанинг катта дарё ўзанига қўшилишига ўхшаб кетди. Ижронинг мусаффолиги, жўшқин, ўйноқлиги ҳар бир юракка чўғ солгандек бўлди. Оҳангаронлик Воситхон Фармоновнинг «Ватан туғи», ангренлик хушовоз хонанда Кимёхон Қосимхоновнинг «Курама», Паркент туманидан «Бойқозон чашмаси» фольклор-этнографик жамоаси ижро этган «Алла» кўшиқлари гарчи, мукофотли ўринларга муносиб кўрилмаган бўлса-да, шаҳар ва туманларимиздаги санъатсевар ёшларимизнинг истеъдод уфқлари нақадар кенглигидан далолат беради.

Вилоятимизда 110 миллат

Анвар Тошматов, қибрайлик Мирижод Миркомилонларнинг ширали овозларини тинглаб, вилоятимиз истеъдодлар чаманзори эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати якуний босқичга тавсия этилган кўшиқларни холис баҳолади. Танлов якунига кўра, «Шош наволари» ашула ва рақс жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Энди жамоа аъзолари вилоятимиз номидан «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика кўрик-танловида қатнашиб, ўз омадларини яна бир бор синаб кўриш имко-

илк қадам қўйган хонанда ва созандаларнинг асло хори-масдан машқ қилишларини тақозо этади. Зеро, Ватан кўнгилмизда унган сара гулимиздир. Бу гулнинг мадҳи бир умрга татигулик. Биз танлов ғолибларини қутлар эканмиз, келгусида улар яратажак сара кўшиқлардан умидвор бўлиб қоламиз.

Шавкат ТУРОБ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СУРАТДА: «Ўзбекистон кўшиқ байрами» танловининг вилоят босқичи ғолиби «Шош наволари» ашула ва рақс дастаси.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

Мўйқалам билан Венада

Австрия федерал канцлери маҳкамаси мамлакат маданий мероси, таниқли австриялик расом ва меъморлар ижод намуналари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида хорижлик мўйқалам соҳибларини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

Бу йил ушбу дастурда Ўзбекистонлик ёш расом Ғайрат Иброҳимов иштирок этди. Мамлакатимиз вакили уч ой мобайнида машҳур музей ва галереяларга ташриф буюриш, бошқа мамлакатлардан келган ҳамкасблари билан мулоқотда бўлиш ва ижодий анжуманларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур учрашувлар якунида ёш расом Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонасида янги асарлар кўргазмасини намойиш қилди. Ҳамюртимиз мўйқаламига мансуб ишлар билан Австрия ҳукумати, дипломатик корпус, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари ҳамда санъат ихлосмандлари яқиндан танишди. Федерал канцлер маҳкамаси бошқарма бошлиғи Норберт Ридл бундай лойиҳалар турли мамлакатлар ўртасидаги маданий мулоқотнинг кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

Бастакорлар танлови

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Ёш бастакорларнинг бешинчи республика кўрик-танлови якунланди.

Мусиқа соҳасида ижод қилган истеъдод соҳибларини аниқлаш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда ёш бастакорларнинг турли жанрдаги ўттизга яқин асари ижро этилди.

Услуби, ижрочилик маҳорати ва бадий савиясига кўра консерватория вакиллари — Сарвар Юсупов, Илҳом Матниёзов, Фаррух Собировнинг фортепьяно учун ёзган асарлари, Валентин Борисовнинг романслар туркуми, Жонибек Ўзбековнинг «Йўлдаги қарвон», Улугбек Бахриевнинг «Сендан олис кетиб» мусиқий асарлари энг яхши композициялар деб топилди.

ЎЗА.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «PAN-ROBOTIKS-IMPEKS» МЧЖ (код 14331)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 187-68-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Қибрай туманидаги 30-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Азларова Холида Анваровна номига берилган А 011307 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юқоричирчиқ туманидаги 23-мактаб томонидан 2001 йилда Тегай Геннадий Юрьевич номига берилган О'Р-В 0093800 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

• Бекажон

ЁНҒОҚЛИ КЕКС



Идишга 350 грамм эритилган сариёғ қуйиб, унга 300 грамм шакар, ванилин, озгина туз қўшиб, крем ҳолига келгунча аралаштирилади. 6 та тухумни навбатма навбат қўшиб, шакар яхши эригунча қадар аралаштирилади. Сўнгра 600 грамм унни оз-оздан қўшиб, юқорида тайёрланган масал-

лиққа 125 мл. сут қўшиб, яхшилаб аралаштирилади.

Тайёр хамир иккига бўлинади. Бир бўлагига какао аралаштирилади. Махсус қолипни ёғлаб, четига ун сепади ва унга хамирнинг бир бўлағи қўйилади.

Устига какао аралашган қисми қўйилади ва 185°C даражали духовкада 55-60 дақиқа давомида пиширилади. Совутилган кекс устига эритилган шоколад қўйилади ва ёнғоқ сепади.

Ёшлар учун спектакль

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда 74-мавсум якунига яна бир театрлаштирилган сахна асарини тайёрлади.

Бу таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» (Ботир Зокиров либретто-си) операсидир.

Театр жамоаси миллий опера ва балет аъналарини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон ёшларига аталган «Сўғд элининг қоплони» операси ана шундай спектакллардан бири ҳисобланади.

Спектаклда Ватан озодлиги учун курашда жонини фидо қилган ботир ва кўркмас Спитамен ҳақида ҳикоя қилинади. Спектаклнинг мусиқа раҳбари ва дирижёри — «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» Фазлиддин Ёқубжонов, сахналаштирувчи режиссёр — Ҳайдарали Қосимовдир.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
хузуридаги Матбуот ва ахборот
бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга
«Тошкент Ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терияди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.